O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 17 март, № 54 (4207) Шанба

## 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили



Баҳор байрами арафасида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари яна бир эзгу ишга қўл урди. Миробод тумани ҳокимлиги ва маҳаллалар фаоллари билан биргаликда кам таъминланган ва кўмакка муҳтож оилаларда бўлиб, уларни қутлуғ айём билан қутлашди ҳамда махсус совғаларини тақдим этдилар.



# НАВРЎЗ ЭЗГУЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Баҳор табиатни гўзал либосга буркантириб, дилларга қувонч улашмоқда. Муборак Наврўз байрамининг айни шундай шукуҳли дамларда нишонланиши эса қалбларда эзгулик туйғуларини уйғотади. Қувончингни ёнингдагилар билан баҳам кўргинг келади. Савоб иш қилиб, уларнинг кўнгилларини кўтариш вужудингга илиқлик бағишлайди.

Миробод туманининг «Ойбек» маҳалласида Морозовлар оиласи истиқомат қилади. Улар ҳақида гап кетса, ён-атрофдагилар оғизларидан бол томиб сўзлашади. Оила бошлиғи Иосиф Юрьевич ва унинг рафиқаси Валентина Михайловналар саксон ёшни қаршилаётганига қарамай анча тетик. Улар бутун умр юртимиз тараққиёти учун хизмат қилганлар. Тақдир тақозоси билан эгизак неваралари — Константин ва Иринани ўзлари вояга етказишмоқда. Ҳозир улар ўн олти ёшда. Ўсмирларнинг онаси оғир касаллик туфайли оламдан ўтган экан. Албатта, улар оладиган пенсия оилага етибетмайди. Шуни яхши англаган қўнишнилар, маҳалла фаоллари, туман ҳокимлиги ушбу оилага ёрдам кўрсатиб туришади. Қариялар эгизакларнинг баркамол бўлиб ўсишлари учун ҳаракат қилишяпти. Фарзандлар ҳам бува ва бувиси, маҳалла ва яқинлари қилаётган эзгу ишларга ўзларининг яхши хулқи, аъло ўқиши билан муносиб жавоб беришга интилишмоқда. Айни пайтда Ирина немис тилини чуқур ўрганиш бўйича 60-мактабда юқори баҳоларга ўқияпти. Константин эса бу йил Ахборот технологиялари коллежига кириш учун тайёргарлик кўрмоқда.

— Биз бу оилани яхши биламиз ва маҳалла фаоллари, ҳомийлар ёрдамида ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қиламиз, — дейди ушбу байрам тадбири иштирокчиларидан бири, Миробод туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, туман ҳокими ўринбосари Наргиза Пўлатова.

— Бир ишбилармон қўшнимиз бор. У ҳар гал фарзандларимизга мактаб кийимлари ва ўқув қуроллари совға қилади, — дейди Валентина Михайловна. — Агар маҳалла аҳли, ҳомийлар, умуман, оиламиз тақдири учун қайғурадиган олижаноб инсонлар бўлмаганида, эгизакларнинг ўқиши ҳамда тарбиясини таъминлаш анча мушкул бўларди.

(Давоми 2-бетда).

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

*Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан ўтказилган йиғилишда қатор вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.*



# БЮДЖЕТ ТИЗИМИ ВА ИНТИЗОМ

Мазкур қўмита раиси А.Аҳадов олиб борган йиғилишда «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида, бюджетдан маблағ олувчи вазирлик ва идораларда ҳамда Сурхондарё вилоятида ижро этилиши юзасидан ўтказилган назорат таҳлил фаолияти натижалари кўриб чиқилди.

«Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бюджетдан маблағ олувчилар ҳамда молия-солиқ органларининг ўз фаолиятини юритиш учун бозор муносабатларига мос келадиган андозаларни мужассам этган бўлиб, республикамизда бюджет тизимини ташкил этишнинг асосий принципларини ўз ичига олган. У барча даражадаги бюджетлар даромадлари ва харажатларини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Қонун ва унга боғлиқ бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, бюджетдан маблағ олувчи ташкилотлар ҳамда Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилган.

Шу билан бир қаторда «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлашда мутасадди вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, ушбу масалада масъул органлар томонидан макроиқтисодий кўрсаткичлар, бюджет даромад ва харажатларининг бажарилиши, бюджет солиқ тизимининг такомиллаштирилиши, маҳаллий бюджет улушини кўпайтириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, унинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш, пулли хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ишларини мувофиқлаштириш, нақд пул тушумини кўпайтириш, тўлов интизомида, айниқса, бюджет олдидаги боқиманда қарзларини қисқартириш, солиққа тортиладиган объектларни тўла ҳисобга олиш ва уларни ўз вақтида ундиришда етарли ишлар олиб борилмаётганлиги қайд этилди.

Шунингдек, бюджет параметрларини тасдиқлашда ва унинг ижроси кўрилаётганда ҳудудларда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзларидан унумли фойдаланишга кўмаклашиш, аҳолини бандлик билан таъминлаш, шу борада чет эл инвестицияларини жалб этиш, маҳаллий бюджет тушумини кўпайтириш ҳамда бюджет ижросини сифатли таъминлашда ички имкониятлардан самарали фойдаланиш ва бюджет интизомини мустаҳкамлашда айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

# Европалик сайёҳлар Хоразмда

*Мамлакатимизда сайёҳлик мавсуми бошланди. Кеча Урганч халқаро аэропортига Австрия авиакомпаниясининг 184 ўринли «Боинг-737» самолёти келиб қўнди. Унда қадимий ва навқирон Хоразм воҳасига Австрия, Швейцария, Германия ва Европанинг бошқа мамлакатларидан сайёҳлар ташриф буюришди.*

Бундай сайёҳлик йўналиши Ўзбекистон Республикасининг Венадаги элчихонаси ва Австриянинг «GTA-SKY-WAYS» туристик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Шу йилнинг 16 мартидан 11 майигача Австриянинг Вена, Зальцбург, Грац, Линц ва Клагенфурт шаҳарларидан Самарқанд ва Урганч шаҳарларига ана шундай 8 та махсус авиақатнов ташкил этиш режалаштирилган. Европалик сайёҳларни нафақат мамлакатимизнинг қадимий обидалари, ҳозирги бунёдкорлик ишлари, замонавий кўркам ва обод шаҳарлари, халқимизнинг урф-одатлари ва меҳмондўстлиги ҳам ўзига жалб этиб келмоқда. Мамлакатимизда чет эллик сайёҳларни кутиб олиш, уларга хизмат кўрсатиш, сайёҳатлари кўнгилли ўтиши учун эса барча шарт-шароит муҳайё этилган. Хоразм вилоятидаги меҳмонхоналарнинг ўзи бир кунда минг нафарга яқин сайёҳни қабул қилиш имкониятига эга эканлиги туризм соҳаси юртимизда кундан-кунга ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

Урганч халқаро аэропортида европалик меҳмонларни хоразмликлар карнай-сурнай садолари остида нон-туз ва гуллар билан кутиб олдилар.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## Ўзбекистон ва Франция:

# ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 15 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг Париждаги элчихонасида тантанали қабул маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Франциянинг турли давлат идоралари, сиёсий, илмий ва маданий доиралари, дипломатия корпуси вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Анжуман иштирокчилари ўтган давр мобайнидаги икки томонлама алоқаларнинг ривожланиши, турли йўналишлардаги ўзаро ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари билан танишдилар.

— Ўтган 15 йиллик даврга назар ташласак, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўламиз, — дейди **Париж савдо-саноат палатаси вице-президенти Эдмонд Вивианд** «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирига. — Биз ўзбек ва француз ишбилармонларининг ўзаро ташрифларини уюштирадиган ташкилот сифатида икки мамлакат тадбиркорлари ўртасида изчил мулоқотни йўлга қўйганмиз. Бундан кейин ҳам Франция фирма ва компанияларини Ўзбекистон иқтисодиётига сармоялар олиб киришига, юртингиздаги ҳамкорлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга йўналтирилган фаолият олиб борамиз.

**«МЕДЕФ-Интернасьонал» ташкилоти вице-президенти Тьерри Куртэн** фикрича, Ўзбекистон Франция учун Марказий Осиёдаги муҳим давлатдир.

— МЕДЕФ — иқтисодиётнинг турли йўналишлари бўйича 700 мингдан ортиқ француз корхоналарини ўз атрофида бирлаштирган йирик ташкилот ҳисобланади, — дея фикрини давом эттирди Т.Куртэн. — Ўзаро ҳамкорликнинг янги имкониятларини ҳаётга изчил татбиқ этиш мақсадида яқинда ўзбекистонлик тадбиркорлар делегациясини қабул қилдик. Шунингдек, жорий йилда Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг учинчи йиғилиши доирасида ўзбек-француз савдо-иқтисодий ҳамкорлиги бўйича Ўзбекистон делегациясини кутиб оламиз. Ўйлайманки, алоқаларимизнинг тобора мустаҳкамланиб бориши икки мамлакат учун ҳам бирдек манфаат келтиради.

**ЮНЕСКОнинг таълим соҳасидаги лойиҳалар бўйича департаменти директори Ашҳад Хусайн**нинг фикр билдиришича, истиқлол йиллари давомида Ўзбекистон ўз ҳудудида жойлашган жаҳон маданий меросини сақлаш ва уларни қайта тиклаш борасида улкан муваффақиятларни қўлга киритди.

— Ўзбекистон мустақилликка эришган илк йиллари ЮНЕСКО делегацияси таркибида юртингизда бўлган эдим, — дейди А.Хусайн. — Шу боис мен мамлакатингизнинг 15 йиллик ривожланиши ҳолатини таққослаш имконига эгаман. Ўтган давр мобайнида республикада Президент И.А.Каримов раҳбарлигида олиб борилган оқилона сиёсат туфайли ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида катта ютуқларга эришилди. Ўзбекистон ҳамиша цивилизациялар чорраҳасида бўлиб келган. Халқингиз инсоният цивилизацияси тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган буюк олим ва мутафаккирлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Биз яхши биламизки, мамлакатда таълим-тарбия ва маънавият масаласига, ўсиб келаётган ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол авлод сифатида камол топтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу келгусида ўз самарасини беришига шубҳа йўқ.

— Бугунги тадбир мамлакатларимизни илиқ, дўстона муносабатлар боғлаб турганлигининг яна бир тасдиғи, — дейди **«Франция-Европа-Осиё» француз институти директорининг ўринбосари, «Ибн Сино — Франция» уюшмаси Бош котиби Алис Юссен.** — Тарихан қисқа давр ичида республикада рўй берган улкан ўзгаришлар жараёнини кузатишдан беҳад мамнунмиз. Яқинда биз, бир гуруҳ делегация бўлиб Ўзбекистонга борамиз. Кўҳна Самарқандда ўзбек халқи билан бирга нафосат ва гўзаллик байрами — «Наврўз»ни кутиб олмоқчимиз. Ҳамкорлик борасида мамлакатларимизнинг ҳали фойдаланилмаётган имкониятлари кўп. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, мен Франция сиёсатшунослари жамоатчилиги бундай алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга тайёр эканлигини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

**«Жаҳон» АА.**
Париж.

## Фармон ва ижро

*Бугунги кунда Балиқчи туманида қишлоқ хўжалиги билан бирга саноат ҳам жадал ривожланмоқда. Бу ерда «Чинобод пахта тозалаш», «Алишер Навоий», «Балиқчи текстиль» сингари йирик ҳиссадорлик жамиятлари, «Хўжаобод» масъулияти чекланган жамияти, «Балиқчи текс» Ўзбекистон-Германия-Швейцария қўшма корхонаси фаолият кўрсатаётгани бунинг далилидир. Ўтган йили мулкчиликнинг барча шаклидаги саноат корхоналари томонидан 31 миллиард 697 миллион сўмликдан зиёд маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, бу борада аввалги йилдагига нисбатан 121,1 фоиз ўсишга эришилди. Муҳими, корхоналарнинг барчаси ташқи бозор иштирокчиси ҳисобланади.*

# КОРХОНАЛАР МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНАЯПТИ

Чинобод шаҳарчасидаги «Алишер Навоий» ҳиссадорлик жамиятининг кенг, ёруғ, ораста цехларида бўлдик. Қишлоқ қизларининг «ақлли» дастгоҳларни қай даражада бошқараётганликларини кузатдик.

— Ўнга яқин дастгоҳ измимда, — нигоҳларини ипга айланаётган толалар уюмидан узолмай сўзлайди Нигора. — Жиҳозларнинг янгилангани жуда яхши бўлди-да. Ишлаб чарчамайсиз, толиқмайсиз. Илгари эски дастгоҳларнинг шовқини қулоқларимизни қоматга келтирарди. Асабимизга тегарди. Буниси камлик қилгандай, ҳали у-ҳали бу ғалтакнинг ипи узилавериб, тинка-мадорингизни қуритарди.

— Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида тўқимачилик саноатидаги мавжуд аҳволга баҳо бериб, жумладан, шундай дедилар: «Минг афсуски, мамлакатимизнинг реал иқтисодиётида фаолият юритаётган корхоналарда эскирган технологиялар, жисмоний ва маънавий жиҳатдан аллақачон ўз умрини ўтаб бўлган асбоб-ускуна ва дастгоҳлар асосида ишлаётган ўнлаб ва юзлаб корхоналар сақланиб қолаётгани ҳақида салбий мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Баъзан бундай техника ва дастгоҳларни сақлаб туришнинг ўзига сарфланаётган харажатлар уларнинг ўрнига янги, замонавий ускуналарни сотиб олишдан қимматга тушмоқда. Ишлаб чиқаришдаги катта йўқотишлар ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади», — суҳбатга қўшилади корхона раҳбари Ҳайитбой Абдулҳакимов. — Мана, биз ана шу ҳақиқатни чуқур англаб, хорижий сармояларни жалб этган ҳолда, корхонани тўла реконструкциядан чиқардик. Пировардида трикотаж маҳсулотлари, тайёр газлама, хом газлама ишлаб чиқаришга мослаштирилган дастгоҳларнинг ўрнини ип калаваси йигирувчи илғор технологиялар эгаллади. Мақсад ҳам шу эди. Чунки бозор бугун саноатчилардан кўпроқ калава ип талаб қилмоқда.

Ҳиссадорлик жамиятида 1148 нафар ишчи-хизматчи ишлайди. Уларнинг барчаси — маҳаллий ёшлар. Ўз корхонасини фахрим деб билган, уни соғиниб, талпиниб яшаётган балиқчиликлар ўтган йили 5 миллион 769,9 минг АҚШ долларилик калава ипни экспортга чиқардилар. Умуман, бурноғи йилдагига нисбатан 4 миллиард сўмлик қўшимча маҳсулот тайёрланиб, бир йилда 154 фоиз ўсиш таъминланди.

Корхонани энг замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлаш — бу, авваламбор, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарган ҳолда, жаҳон бозорига кириб бориш, дегани. Бу — янги иш ўринлари очиш, дегани. Бу — моддий манфаатдорлик ошади, айни пайтда касаначилик ривож топади, дегани.

«Балиқчитекс» эса — тумандаги кенжа қўшма корхоналардан бири. Ўтган йили мазкур корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 80 фоизидан ортиқроғи хорижий давлатларга экспорт қилинган эди. Ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Ёрқинбек Носировнинг айтишича, бу йил Европа бозорлари ҳам забт этилади.

— Гап шундаки, — деди у изоҳ бериб, — Президентимизнинг шу йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони биз учун айни муддао бўлди. Ушбу ҳужжат талабларига кўра, ишлаб чиқаришни модернизация қилувчи жамоаларга солиқ ва божхона тўловлари бўйича кўплаб имтиёзлар берилади. Демак, энди ана шу тўловлардан бўшаган маблағлар корхонани янада ривожлантиришга йўналтирилади.

Қувонарлиси, тумандаги саноат корхоналари ички бозорниям унутганлари йўқ. Умумий қиймати 1 миллиард 223,7 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилгани, бу тармоқдаги ўсиш 110,8 фоизни ташкил этгани шундан далолат беради.

Шу билан бирга, якунланган йилда мавжуд корхоналарда уй меҳнатини ташкил этиш ҳисобига 355 та янги иш ўрни яратилди. Жорий йилда эса яна 230 нафар кишини иш билан таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Ҳар тонг Балиқчи тумани қишлоқлари кўчаларида гуррос-гуррос қадам ташлаб бораётган ёшлар — йигит-қизларни учратасиз. Дазмол урилган, оҳорли кийимлари ўзларига жуда-жуда ярашган бу ёшлар кечагина дала юмушлари билан шуғулланишарди, бугун эса замонавий саноат корхоналарида меҳнат қилишаётир.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БОСМА СЎЗ МАСЪУЛИЯТИ

*Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Адолат» ва «Мовароуннаҳр» нашриётларидаги ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил якунига бағишланган йиғилиш ҳам бўлиб ўтди.*

Йиғилишни қўмита раиси Х.Дўстмуҳамедов кириш сўзи билан очиб, ноширлик фаолиятини ташкил этишда мазкур Қонуннинг аҳамияти, нашриётларга қўйилаётган давр талаблари, белгиланган вазифаларни амалга оширишда эришилаётган ютуқлар ва долзарб муаммолар тўғрисида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Таъкидландики, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Адолат» ва «Мовароуннаҳр» нашриётларида мазкур Қонун ва шу масалага тегишли ҳукумат қарорларини бажариш юзасидан тегишли ихтисослик йўналишлари бўйича адабиётлар нашр этиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Айни вақтда, бу борада айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги таъкидлаб ўтилди. Жумладан, «Адолат» нашриётида ихтисослигига тааллуқли бўлмаган адабиётлар нашр этилган. «Мовароуннаҳр» нашриётида ҳам шундай камчиликларга йўл қўйилган.

Нашриётларда давлат стандартларига амал қилиш борасида ҳам баъзи нуқсонлар учрайди. Масалан, «Мовароуннаҳр», «Адолат» нашриётларида давлат стандартларига жавоб бермайдиган адабиётлар нашр қилинган. Нашриётлар томонидан чоп этилган адабиётларнинг библиографиясини расмийлаштиришда ҳар хилликлар мавжуд.

Қизғин баҳс-мунозаралар жараёнида «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси бўйича «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Адолат» ва «Мовароуннаҳр» нашриётларида амалга оширилган ижобий ишлар алоҳида қайд қилинган ҳолда мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этишга доир фойдали таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Матбуот ва ахборот агентлиги тизимида ноширлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказлари ёки ўқув курслари ташкил этиш, бош муҳаррирлар ва муҳаррирлар, айниқса, ёш ноширлар учун аниқ режа асосида мунтазам махсус семинарлар ташкил қилиш давр талаби эканлиги алоҳида қайд этилди.

Мажлис якунида Қўмита томонидан тайёрланган тавсиялар билдирилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида



**Ироқдан америкалик ҳарбийларни олиб чиқиб кетиш режаси ва муддати тўғрисида демократлар томонидан тайёрланган қонун лойиҳасини АҚШ Сенати тасдиқламади.** Унда келгуси йил март ойига қадар ҳарбийлар ўз уйларига қайтиши шарт қилиб қўйилганди. Лойиҳа қабул қилиниши учун камида 60 нафар сенатор овоз бериши лозим эди. Айни пайтда конгресснинг вакиллар палатаси Америка контингентини қайтаришга кетадиган харажатлар билан боғлиқ ҳужжатни қабул қилди. Бироқ таҳлилчилар ушбу лойиҳани ҳам Сенат қабул қилмаслигини айтишмоқда.

**Россиянинг «Аэрофлот» авиокомпанияси «Эйрбас» компаниясидан 22 та узоқ масофаларга учишга мўлжалланган «А-350» самолётини сотиб олмоқчи.** Авиакомпанияга самолётлар 2015 йилга қадар етказиб берилади. «Аэрофлот» раҳбари Валерий Окулов яқин кунларда «Эйрбас» билан шартнома имзоланишини маълум қилди. Ҳозирда ушбу шартноманинг умумий қиймати 3,5 миллиард доллар атрофида баҳоланмоқда.




**Венгрия пойтахти Будапештда мамлакат миллий кунига бағишланган байрам кутилмаганда оммавий намойишларга айланиб кетди.** Деярли 200 минг нафарга яқин аҳоли ҳукумат раҳбари Ференц Дюрчаннинг истеъфога чиқишини талаб қилмоқда. Тартибсизликларни бартараф этиш мақсадида полиция кўздан ёш оқизувчи газ ва сувдан фойдаланмоқда.

**Расмий Москва Россия нефтини Қора денгиздан Эгей денгизига олиб чиқадиган қувур қуриш юзасидан Болгария ва Греция билан шартнома имзолади.** 285 километрлик «Бургас-Александруполис» қувури уч йилда қуриб битказилади. Ушбу шартномани имзолаш учун қарийб 15 йил музокаралар олиб борилди. Мазкур нефть қувури Европа жанубидаги истеъмолчиларга «қора олтин»ни етказиб бериш ишларини тезлаштиради. Ундан йилига 50 миллион тоннагача нефть ташиш мумкин. Ушбу қурилиш лойиҳаси 1 миллиард долларга баҳоланмоқда.



**Иорданияда кутилмаганда кучли қор ёғди.** Қиш тугаган бир паллада об-ҳавоси иссиқ бўладиган мамлакатда қор ёғиши Иордания аҳолиси учун кутилмаган воқеадир. Об-ҳавонинг бирдан совиб кетиши ва йўлларни муз қоплаши оқибатида мактаблар, муассасалар вақтинча ёпилди.

**Чеченистон Президенти Рамзан Қодиров республика конституциясига ўзгартириш киритиш ташаббуси билан чиқди**. У ўлкадаги ижтимоий ва сиёсий ҳаётни шу йўл орқали қайта тикламоқчи. Р. Қодиров депутатлар олдида қилган чиқишида Чеченистон конституцияси Россия қонунчилигига мувофиқ бўлиши лозимлигини таъкидлади. Унинг тушунтиришича, республика асосий қонунига ўзгартириш киритиш умумхалқ референдуми орқали амалга оширилади.



**«Олтилик» давлатлари БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Эрон масаласида тайёрланган резолюция лойиҳасига розилик берди.** У расмий Теҳроннинг ядровий тадқиқотларини тўхтатишга қаратилган. Уни Бирлашган Қироллик халқаро ҳамжамиятга тақдим этди. Эндиликда резолюция матни БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 15 аъзоси иштирокида муҳокама қилинади. Норасмий манбаларда айтилишича, резолюция лойиҳасида Эронга қурол-яроғ етказиб бериш тақиқланади ҳамда ядро ва ракета дастурларини амалга оширувчи шахслар, компанияларнинг хорижий банклардаги маблағлари музлатилиши, шу билан бирга, мамлакатга турли грантлар ва молиявий қарзлар бериш тўхтатилиши назарда тутилган.



**Франциялик шахс терактга тайёргарлик кўргани учун 9 йилга озодликдан махрум этилди.** Париж суди 38 ёшли Вилли Брижитни Австралияда террорчилик акти уюштиришга уринганликда айбдор, деб топди. Судга тақдим этилган ҳужжатларда келтирилишича, у халқаро террорчилик ташкилотлари билан яқин алоқада бўлган.



**Бағдодда яна портлаш содир этилди.** Натижада 8 нафар ироқлик полиция ходими ҳалок бўлди. Бундан ташқари, 25 киши жароҳатланди. Камикадзе автомобилга юкланган портловчи модда билан полициячилар олдига келиб, ўзини портлатиб юборган.

**Маҳмуд Аббос Фаластин мухториятининг янги ҳукуматини тасдиқлади.** Уни бош вазир Исмоил Хания тақдим этди. Ҳукумат аъзолари ўз вазифасини бажаришга киришишидан олдин парламент тасдиғидан ўтиши керак. Ҳозирда тахмин қилинишича, мазкур янги ҳукумат ҳам Исроил давлатини тан олмайди. Расмий Тель-Авив Фаластин ҳукумати Исроил давлати ҳуқуқларини тан олмаса, у билан ҳамкорлик қилмаслигини билдирди.



**Россия Федерал хавфсизлик хизмати одам савдоси билан шуғулланувчи халқаро жиноий гуруҳ йўқ қилинганини маълум қилди.** Гуруҳ қисқа муддат давомида одам савдоси билан шуғулланиб келган. Шунингдек, Россия ҳудуди, Жанубий Осиё ва Ҳамдўстлик давлатлари орқали Ғарбий Европага ноқонуний муҳожирларни чиқаришга ҳаракат қилган. Йигирмага яқин одам қўлга олинди. Улар Молдова ва Украина фуқароларидир.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**


*Азиз ва муҳтарам юртдошлар!*

SAVDOGAR BANK

ЎЗБЕКИСТОН-ГЕРМАНИЯ
«САВДОГАР» банки
ЖАМОАСИ

*жонажон Ўзбекистонимизнинг барча фуқароларини кириб келаётган*

**НАВРЎЗ АЙЁМИ**

*билан самимий қутлаб, ҳар бир оилага бахт-саодат, шодлик ва фаровонлик тилайди!*

*Мамлакатимиз осмони мусаффолиги, эл-юрт маъмурчилиги абадий бўлсин! Сиз, азизларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлаймиз!*







Манзилимиз: Тошкент ш., Саид Барака к., 78-уй.
Тел.: 361-30-29, 54-18-65.
www.savdogarbank.com



O'ZSANOATQURILISHBANK

Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки — «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» жамоаси

*республикамиз аҳолиси ва меҳмонларини, ўз акциядорлари, мижозлари ҳамда ҳамкорларини баҳор байрами —*

*Наврўз айёми*

*билан чин қалбдан табриклайди!*

*Барчангизга сиҳат-саломатлик, хайрли ишларингизга муваффақият, оилангизга тинчлик ва хотиржамлик тилайди!*





Наврўз байрами арафасида «Ўзсаноатқурилишбанк» «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун!» тамойилига амал қилган ҳолда, ўз мижозларига янада қулайликлар яратиш мақсадида «Мурожаатлар маркази»ни (Call-марказ) ташкил этди.

Call-марказнинг тажрибали операторлари банк хизматлари билан қизиқувчи барча шахсларга амалдаги хизмат турлари ва уларни тақдим қилиш шартлари бўйича мукаммал маълумотлар, тушунтиришлар ҳамда маслаҳатлар берадилар.

Шу билан бирга, «Ўзсаноатқурилишбанк» жисмоний шахслар учун 10 дақиқа давомида хорижий валютада яқин ва узоқ хорижга тез ва ишончли пул ўтказиш ҳамда жўнатилган пулларни қабул қилиш имконини берувчи **«Migom»** тезкор халқаро пул ўтказиш тизими бўйича реклама акциялари бошланганлигини маълум қилади.

Сизни қизиқтирган барча тегишли масалалар бўйича қуйидаги телефон орқали Call-марказга мурожаат қилишингиз мумкин: **(99871) 113-15-15.**

**«Ўзсаноатқурилишбанк» — молия бозорида 85 йил Сиз билан!**

**Йиллар мобайнида синалган ишонч!**

**www.uzpsb.uz.**

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

# Асосий маҳсулот — экспортга

*Чустлик чеварлар томонидан тикилган трикотаж буюмларнинг навбатдаги туркуми Украинага жўнатилди.*

Бу маҳсулот туманда яқинда иш бошлаган янги корхона — Тошкентдаги «VIVATEKS» масъулияти чекланган жамияти филиалида тайёрланган. Муқим иш ўрнини топган 150 нафар маҳаллий қиз-жувонлар евроандозаларга мос кийимлар тикишни қисқа фурсатда ўзлаштириб олишди. Яна бир қулай томони, кунора ишга келадиган чеварлар учун уй-рўзғор юмушларини уддалашга ҳам имконият яратилган. Маошлари эса кам эмас — ойига ўртача 80 минг сўмни ташкил этади.

Жамият раҳбарияти Чустда иш ўринларини янада кўпайтириш ҳаракатида. Яъни яқин ойлар ичида чеварлар сони 270 нафарга етказилиб, тайёрланаётган маҳсулот миқдори эса салкам икки баравар кўпаяди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


«Сарбонтекс»

Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси жамоаси

Ўзбекистон халқини қутлуғ Наврўз айёми билан муборакбод этади!



МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

ДАТ «Асака» банки жамоаси



сизларни яқинлашиб келаётган Наврўз байрами билан табриклайди ва даромадларингизни кўпайтириш учун сизларга қуйидаги янги омонат турларини тақдим қилади:

- Миллий валютада ***«СОҒЛОМ КЕЛАЖАК»*** омонатини сақланиш муддати — ***1 йил, йиллик 18%.*** Омонатнинг бошланғич бадали — ***1 млн. сўм.*** Ҳисобланган фоизлар мижознинг истагига кўра омонат очилганида берилиши мумкин, шунингдек, омонатчиларга «Асака» банкининг сўм пластик карточкалари имтиёз тариқасида берилади.
- Хорижий валютада ***6 ойлик омонат, йиллик 8%.*** Омонатнинг минимал суммаси — ***2000 АҚШ доллари.*** Ҳисобланган фоизлар мижознинг истагига кўра омонат очилганида берилиши мумкин, шунингдек, омонатчиларга банк томонидан халқаро «Master Card» пластик карточкалари имтиёз тариқасида берилади.

**Бундан ташқари, ДАТ «Асака» банки қуйидаги омонат турларини таклиф этади:**

| Миллий валютада | |
|---|---|
| 6 ойдан 1 йилгача | *Йилига 17%* |
| 1 йилдан 3 йилгача | *Йилига 17%* |
| 3 йилдан 5 йилгача | *Йилига 17%* |
| «Олтин куз» омонати *(сақланиш муддати — 3 ой)* | *Йилига 18%* |
| «Юбилейный» омонати *(сақланиш муддати — 6 ой)* | *Йилига 18%* |
| «Табассум» омонати *(сақланиш муддати — 45 кун)* | *Йилига 18%* |
| «Саховат» омонати *(сақланиш муддати — 1 йил)* | *Йилига 18%* |
| Болалар учун «Умид» омонати *(сақланиш муддати — 3 ой)* | *Йилига 18%* |
| **Хорижий валютада** | |
| 6 ойдан 1 йилгача<br>- 1000 — 2000 АҚШ долларигача<br>- 2000 ва ундан юқори АҚШ долларигача | *Йилига 6%*<br>*Йилига 7%* |

**Омонатларни банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.**
**Банкдаги омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади ва «Банк сири» қонуни билан муҳофазаланади.**

**Мурожаат учун телефонлар: 120-86-97, 120-82-02, 120-82-60, 120-86-87.**

Хизматлар лицензияланган



«Ўзэлектроаппарат-Электрощит» ОАЖ

қўшма корхонаси жамоаси

серқуёш республикамизнинг меҳнаткаш халқини, юртимиз меҳмонларини яшариш ва янгиланиш байрами —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий муборакбод этади!

Ушбу байрам ҳар бир хонадонга тинчлик-тотувлик, файзу барака, тўкин-сочинлик олиб келсин! Гуллаб-яшнаётган Ватанимиз тараққиёти йўлида амалга ошираётган эзгу ишларимизга омад ёр бўлсин!

«Чинобод»
очиқ турдаги
акциядорлик жамияти

фасллар келинчаги бўлмиш
баҳорнинг кўркам байрами —
Наврўз
барча
юртдошларимиз
учун қутлуғ бўлсин!

Гўзалликка ташна ҳар бир инсонга
ушбу кунда янада кўтаринки кайфият,
омад ҳамроҳ бўлсин.



Наврўзи олам муборак, азизлар!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

Тошкент шаҳар ҳокимиятига қарашли
«МАХСУСТРАНС»
унитар ишлаб чиқариш корхонаси

Сизни яқинлашиб
келаётган қувончли айём —
Наврўз
байрами билан
муборакбод этади!



Барчангизга сиҳат-саломатлик,
фаровонлик, қувонч, баҳорий кайфият,
ватанимиз равнақи, юрт тинчлиги
ва эл фаровонлиги йўлида амалга ошираётган
ишларингизда ривож тилайди.

АКЦИЯДОРЛИК
ТИЖОРАТ
«ПАХТАБАНК»и

ўз акциядорлари
ва мижозларини, барча
юртдошларимизни
Наврўз айёми
билан самимий
қутлайди!

Ушбу қувончли кунларда
ҳар бир хонадонга
бахт-саодат, тинчлик
ва фаровонлик
тилаймиз!



Сизларга янги,
қулай ва манфаатли бўлган
«Ҳимоя» ва «Талаба»
жамғарма
омонат турларини
таклиф қиламиз.

Ушбу омонат турларининг
сақлаш муддати —
6 ой ҳамда 1 йил бўлиб,
йиллик 18 фоиз
миқдорида даромад
тўланади.

Омонатга қўйилган пул
маблағларингиз Фуқароларнинг
банклардаги омонатларини
кафолатлаш фонди томонидан
кафолатланади.

Омонатингизни кафолатли
асраймиз ва кўпайтирамиз!

«Пахтабанк»нинг исталган
филиалига мурожаат қилинг
ва даромадингизни
кўпайтиринг!

Омонатга қўйган маблағингиз
ҳисобига олган даромадингиз
солиққа тортилмайди.

«ПАХТАБАНК» —
ФАРОВОНЛИГИНГИЗ
КАЛИТИДИР!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

# «ЕМЕК»

**ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

**Ўзбекистон халқини янгиланиш, уйғониш тимсоли бўлган баҳор байрами —**

**Наврўз билан**

**самимий муборакбод этади!**

*Асрлар оша ушбу байрам ўзбек халқининг энг ажойиб анъанаси бўлибгина қолмасдан, балки янги кунни умид, ишонч ва қувонч билан кутиб олувчи кишиларнинг маънавий эҳтиёжига айланди.*

*Наврўз юртимизга, унинг ҳар бир хонадонига тинчлик, тўкин-сочинлик ва фаровонлик олиб келсин.*

*Сизларга бахт-саодат, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз, ҳаётингизда қувончли ва ёруғ кунлар кўп бўлсин.*




# Болангиз китоб ўқийдими?

Яқинда бир латифа эшитдим. Ёзувчи ўртоғидан сўраяпти:

— Янги романим чиқди, ўқидингми?

— Қаҳрамони ким эди?

— Ким охиригача ўқиб чиқса — ўша қаҳрамон-да!

Самарқандлик заҳматкаш ёзувчи Нусрат Раҳмат бир мақоласида ҳозирги кунга келиб фақат оддий китобхонгина эмас, қаламкашларнинг ўзлари ҳам китоб ўқимай қўйгани, ҳатто китобига дастхат битиб берган ҳамкасбининг асарини ҳам варақлаб қўйишдан эринаётгани ҳақида куйиниб ёзади.

Китобхонлик, мутолаа, шубҳасиз, инсоннинг маънавий камолотга эришувида муҳим воситадир. Яқин ўтмишда жадидлар миллатнинг тараққиёти ва фаровонлиги илму маърифатга боғлиқ, деб ҳисоблаганлар. Китобнинг, мутолаанинг тарбиявий кучига ишонганлар, уни тафаккур ва ақлий камолот манбаи деб билганлар. Уларнинг ғоялари ҳали-ҳамон эскирмаган. Француз мутафаккири Дидро эса "Одамлар ўқишдан тўхташлари билан фикрлашдан ҳам тўхтайдилар", деган эди.

Китобнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. На телевизор, на кино, на бошқа ахборот воситалари китоб берган маънавий-руҳий озуқани, нашъу намони бера олади. "Мутолаага берилиш — турмушда сўзсиз содир бўлиб турадиган зерикиш соатларини чексиз ҳузур-ҳаловат дамларига айлантиради", деган эди Ш. Монтескье.

Ҳамма нарса болаликдан бошланади деймиз. Ҳақ гап. Китобга меҳр болаликдан, мактабдан, оиладан бошланмоғи лозим. Айниқса, оилавий муҳитга кўп нарса боғлиқ. Эсимда, болалигимда отам шаҳарга кетаётиб "Сенга нима олиб келай?" десалар, мен китоб олиб келишларини илтимос қилардим. Эҳтимол, ўша болалик ва ўсмирлик йилларимда қўлимга тушган ва завқ-шавқ билан ўқиган китоблар менинг келажагимни, тақдиримни ҳал қилгандир.

Узун қиш кечалари отам сандал атрофида бизга "Ўтган кунлар"ни ўқиб берарди. Отабек ва Кумушнинг аччиқ қисматига ачиниб юм-юм йиғлаб ўтирардик. Яхши китоблардан қаттиқ таъсирланардик, завқ олардик. Афсуски, илгари анча кенг расм-одат бўлган бундай яхши анъаналар ҳақида эсласак, ҳозирги ёшлар кулиб қўйишади.

Қуш уясида кўрганини қилади. Биз катталар шахсий ибратнинг таъсир-қудратига етарли аҳамият бермаймиз. Aроқ ичма деймизу ўзимизни бу оғудан тиёлмаймиз. Катталарни ҳурмат қилиш керак деймизу боланинг кўз олдида онасини хафа қиламиз. Худди шунингдек, китоб ўқиш керак дейиш билан чекланиб, ўзимиз гапимизга-илмимизга амал қилмасак ташвиқотимиздан фойда йўқ.

Мустақилликдан илгари ҳукмрон мафкура таъсирида шаклланган, ҳақиқий қадриятларимиз ҳақида нотўғри, бирёқлама, саёз тасаввур берувчи таълим тизимининг мутлақо яроқсиз эканлиги аллақачон аён бўлиб қолган. Ёш қалбларга нафосат, бадиият туйғусини сингдириш, хусусан адабиётни тўғри ўқитиш, ўргатиш, демакки, мутолаага ихлос уйғотиш муҳим ва мушкул вазифа. Афсуски, айрим мактабларда, ҳатто олий ўқув юртларида ҳам "нафис адабиёт муаллим"ларининг (Абдулла Қаҳҳор кинояси) ўзлари адабиётдан анча йироқдирлар. Шу боис уларнинг қўлида таълим олган ўқувчи, талабаларнинг китобга, катта адабиётга меҳр, ихлос қўйиши қийин.

Беихтиёр "Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак" деган кўҳна ҳақиқат эсга тушади. Бу ўринда шахснинг маънавий-ахлоқий қиёфасигина эмас, тафаккури, маърифий савияси ҳам назарда тутилмоқда.

Эндиликда турли олди-қочди, уйдирма, саргузашт воқеаларнинг юзаки, сийқа баёнидан иборат бўлган турли газеталар, китоблар кўплаб чоп этилмоқда. Бундай нашрлар ўз маҳсулотларининг ғоявий, бадиий савияси учун жавоб бермайдилар, буни очиқ эътироф этадилар. Шундай мураккаб шароитда ўқувчининг яхши билан ёмонни фарқлай олиши осон эмас, албатта. Бу масалада холис ҳакамлик қилиши лозим бўлган танқидчилик жуда суст фаолият кўрсатмоқда. Демак, замона зайли билан мутолаа маданияти йўлида яна бир мураккаб муаммо пайдо бўлди. Бу борада матбуотда айрим баҳс-мунозаралар кузатилмоқда. Хўш, шундай вазиятда ўқувчига қандай маслаҳат, йўл-йўриқ кўрсатиш мумкин?

Ҳамма масалани вақт ҳал қилади, вақт ўз ўрнига қўяди, давр синовидан ўтган нашрлар, асарларгина яшаб қолади, десак янги гап айтган бўлмаймиз. Аммо унгача бутун бир авлоднинг диди, савиясига ўткинчи, юзаки нарсалар салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Демак, ҳозир, айни шу дамда нимадир қилиш керак. Кенгашли тўй тарқамас дейдилар. Келинг, шу ҳақда бирга гурунглашиб, фикрлашайлик.



# GURUNG

## ДОНОЛАР БИСОТИДАН

*Дунёдаги барча адашишларнинг асосий сабаби илмсизликдир.*

**СУҚРОТ.**

*Юракнинг ақл билмайдиган далиллари бор.*

**Блез ПАСКАЛ.**

*Кўп инсонларга бахт бера олган инсон энг бахтли инсондир.*

**Дени ДИДРО.**

*Кайфиятнинг ҳамиша яхшилиги доноликнинг биринчи белгисидир.*

**Мишел де МОНТЕНЬ.**

## ГАПНИНГ ЛЎНДАСИ

**Ҳаётда ҳам худди жамоат транспортида бўлгани каби қулай жойни эгаллаб олиш муҳимдир.**

* * *

Хизмат вазифангда қанчалар юқорига кўтарилишинг сендан мамнун бўлганларга эмас, кўпроқ сендан безор бўлганларга боғлиқ.

* * *

**Айрим кишиларга эрк бериб қўйсанг, қуёшни ҳам хусусийлаштириб олади.**

* * *

Ҳамма нарса инсоннинг қўлида. Шунинг учун уни тез-тез ювиб туриш керак.

* * *

**Ҳар бир Пушкиннинг ўз Дантеси бўлади.**

* * *

Ҳақиқат сиз томонда бўлса-да, бошқа томонга ҳам қараб қўйинг.

* * *

**Хотиним оёқ учида юрсин десанг балеринага уйлан.**

## Бир куни Абдулла ҚАҲҲОР...



### Кўнгилга тегмайдиган нарсалар

Дўрмонда ошхўрлик бўлаётган эди. Кимдир ошни мақтаб қолди:

— Ош ҳеч кўнгилга тегмайди-да!

— Ўлдирса ҳам ош ўлдирсин! — дейди яна бошқа ошхўр.

Жимгина суҳбатга қулоқ солиб турган Абдулла Қаҳҳор масалага янада аниқлик киритади:

— Кўнгилга тегмайдиган учта нарса бор — ош, нон ва хотин.

*Кунлардан бир куни устоз ўз уйида овқатланиб ўтирганида рафиқаси Кибриё хоним унга чой қуйиб узатади.*

### Қопқоқни чайиб ичишади

Шу маҳал кутилмаганда чойнакнинг қопқоғи шарақлаб пиёлага тушиб кетади. Мундоқ қараганда фавқулодда, айтгулик ҳеч нарса бўлгани йўқ, тўқимтабиатроқ одам хотинига "Қопқоқни чойнакка маҳкамроқ боғлаб қўйсанг ўлармидинг, фаросатсиз", дея ўшқириши мумкин. Аммо устоз адиб ундай демайди. Айбини билиб, хижолат бўлиб турган хотинига кулимсираб, оҳиста гап қотади:

— Хайрият, чойнакнинг қопқоғини чайиб ичадиган кунларга ҳам етиб келдик.

### «Покришка»си қалин экан

Абдулла Қаҳҳордан мақтов эшитиш адабиётда ҳам, ҳаётда ҳам жуда қийин бўлган, устоз бу борада анча талабчан, "хасис" эди. Бир куни адиб хотини билан меҳмонга боради. Ўртага қўйилган мантидан ёзувчи бир-икки олади-ю, сўнг егиси келмай, ноилож қўлини артиб, чой ичиб ўтираверади.

Қайтишда Кибриё хоним эридан сўрайди:

— Мантидан негадир емадингиз, нима, ёқмадими?

— Ҳа, "покришка"си қалин экан, томоғимдан ўтмади. Барибир ўзингиз тузук экансиз.


«Олтин-нон»

Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси жамоаси

юртимиз аҳлини

НАВРЎЗ — БАҲОР ВА ЯНГИЛАНИШ БАЙРАМИ

билан муборакбод этади.

Хонадонингизга тинчлик, дастурхонингизга қут-барака тилаймиз.



ТАШКИЛОТ

ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

ҚУЙИДАГИ КЎЧАТЛАРНИ СОТАДИ:

ИГНА БАРГЛИ:

можжевельник, эльдор қарағайи, қрим қарағайи, тяньшань ели.



МАНЗАРАЛИ КЎЧАТЛАР:

дуб, каштан, ясень, клён, мажнунтол, тут, терак, қайин.

МЕВАЛИ КЎЧАТЛАР.

Сотиш баҳоси — келишилган нархда.

Кўчатлар кўпроқ миқдорда олинганда ташкилот ўз автотранспортида жойига етказиб беради ва кўчатни экишда амалий ёрдам кўрсатади.

Телефонлар: 192-97-62, 192-99-06.


# ОҚИБАТ



***"Тангрига имон келтиришдан кейинги амалларнинг афзали — бу одамлар билан дўстлашишдир", дейилади муқаддас ҳадисларда.***

Кундалик турмуш-турмушдан бизга маълумки, энг яқин дўстлар, хайрихоҳлар болаликда бирга ўсиб улғайганлар, мактабда ёки турли ўқув даргоҳларида бирга ўқиганлар ёки бир жойда хизмат қилган ҳамкасблар орасида бўлади. Бу табиий ҳол, албатта. Одамнинг деярли ярим умри ишхонасида ўтади. Шу боис яхши-ёмон, хуш-нохуш кунларга узоқ йиллар гувоҳ бўлган ҳамкасблар ўзаро анча қадрдон бўлиб қолишади. Бу яқинлик гоҳо жуда узоқ, ҳатто бир умр давом этиши мумкин. Ҳамкасблардан кимдир бошқа ишга ўтиб кетса ёки яшаш жойини ўзгартирса ҳам улар ўртасидаги самимий муносабат, борди-келди йўқолмайди.

Бундан кўп йиллар муқаддам республика газеталаридан бирида хизмат қилган яқин дўстим шароит тақозосига кўра туғилган юртига жўнаб кетди. У жуда самимий, хушчақчақ йигит эди. Жамоада дарров ўрни билинди. Уни соғина бошладик. Иттифоқо, ўша дўстимнинг юртига хизмат сафари билан борадиган бўлиб қолдим. Боришим биланоқ биринчи галда уни йўқлаб қўйишни кўнглимдан ўтказдим. Жўнашдан олдин дўстимнинг манзилгоҳини қидириб тополмадим.

Ўша таҳририятда биз билан бирга ишлашган, эндиликда пойтахтдаги нуфузли бир идорада раҳбарлик лавозимида хизмат қилаётган собиқ ҳамкасбимиздан ҳалиги дўстимнинг (улар ҳамюрт эдилар) манзилини аниқлаш учун телефон қилдим. Котиба қиз бошлиқнинг йўқ эканлигини айтди. Орадан икки-уч соат вақт ўтгач, яна телефон қилдим. Яна ўша жавоб бўлди. Шунда мен ўзимни таништириб, хизмат телефонимни маълум қилиб қўйдим. Кўнглимда, йўқлаганимни билса, зора ўзи ҳам телефон қилиб қолар деган умид бор эди. Афсуски, ўша куни ишим битмади. Хизмат сафарига жўнайдиган кун ҳам яқинлашиб қолди.

Эртаси куни собиқ ҳамкасбимга яна телефон қилишга мажбур бўлдим. Овозимни таниб қолган котиба бошлиқ ўзида эканлигини айтаркан, бир дақиқа кутиб туринг деди. Тажанг, дилтанг кайфиятда кута бошладим. Анчадан кейин котиба "Раҳбаримиз ҳозир сиз билан гаплашолмас экан, агар гапингиз бўлса ўринбосарига телефон қилишингиз мумкин экан", деди хижолатомуз оҳангда. Кутилмаган жавобни эшитиб, бошимдан бир челак совуқ сув қуйилгандек вужудим сесканиб кетди. Ажабо! Ахир мен собиқ совуқ сув қуйилгандек бўлди. Ахир, мен ҳамкасбимдан от билан туя сўрамоқчи эмасдим-ку! Бор-йўғи бир оғиз гап — ўша дўстимизнинг манзилини сўрамоқчи эдим, холос.

Қуръони каримда "Феълингиз — тақдирингиз" деган пурҳикмат калима бор. Дарҳақиқат, кимки нима топса феълидан топади. Меҳр-оқибат ҳам одамнинг феълига яраша бўлади. Дарвоқе, тилимизда "оқибат" деган пурҳикмат, ажойиб сўз бор. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да бу сўзга шундай таъриф берилади: "Оқибат – қадрдонлик, дўстлик туйғуси, меҳр, муҳаббат ва шундан келиб чиқадиган яхши муносабат, мурувват".

Менимча, бу тушунчани бошқа тилларга бир сўз билан таржима қилиб бўлмаса керак.

Халқимиз табиатан оқибатли, бағри кенг, саховатли халқ. Бунга мисоллар кўп. Одамийлик ва инсонийлик фазилатларини омухта қилиб, мухтасаргина сўз билан ифодалаймиз: "Фалончи оқибатли (демак, яхши) одам!

Агар кимдандир ҳафсаламиз пир бўлса, кўнглимиз қолса, дил изҳоримизни "Шуми оқибат?" дея маълум қиламиз. Оддий одамларнинг жайдари фалсафасига кўра, агар ўртада меҳр-оқибат бўлмаса, қариндош-уруғлар, дўстлар ҳам бегоналашиб кетади, агар меҳр-оқибат кўрсатилса, бегоналар ҳам ўзаро қариндош-уруғлардай яқин одамларга айланади. Шундай экан, азизлар, орамиздан ҳеч қачон меҳр-оқибат кўтарилмасин!

# Машҳурлар ҳаётидан



Бир раққоса машҳур адиб Бернард Шоунинг ўткир ақлига ўзининг келишган қоматини тенг билиб, Шоуга турмушга чиқиш истагини билдирибди. "Жаноб Шоу, — деб бошлаганди раққоса ёзувчига йўллаган мактубини, — бир тасаввур қилинг-а, туғилажак фарзандимизда Сизнинг ақлингизу менинг гўзаллигим мужассам бўлса..."

Шоу раққосага шундай жавоб қилган экан:

"Худо кўрсатмасин, мабодо айтганингизнинг тескариси бўлиб қолса-чи. Ҳай-ҳай, ўтинаман Сиздан, мени тинч қўйинг..."

* * *

Машҳур юнон файласуфи Суқротдан шогирдлари сўрашибди:

— Никоҳ кўнгилдагидек бўлиши учун қандай шартлар керак?

— Бунинг учун икки нарса керак,— дебди Суқрот, — эр кар, хотин сўқир бўлиши керак.

* * *

Инглиз қироли Генрих VIII француз шаҳзодаси Франсисга элчи орқали нохушроқ бир хабарни юбормоқчи бўлади. Шаҳзоданинг қаҳри қаттиқлигини яхши билгани учун элчи бундай совуқ хабарни етказишга рағбат билдирмабди.

— Сиз қўрқманг,— депти қирол. — Агар француз қироли мабодо каллангизни олгудай бўлса, мен Англиядаги ҳамма француз элчиларининг калласини оламан.

— Бу чиндан ҳам шоҳона ҳиммат, — дебди элчи, — лекин у каллаларнинг биронтаси менинг елкамга тўғри келармикан?


«НАМУНА — СЕРВИС»

ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ

жамоаси барча Ўзбекистон аҳолисини кириб келаётган янгиланиш ва уйғониш байрами бўлган

Наврўзи олам

билан чин дилдан муборакбод этади.

Наврўзи олам барчангизга кулгу, шодлик, олам-олам бахт олиб келсин.

368Н/2722


## Кичкина деманг бизни



**— Кеча ойим мушугимизни ўрмонга олиб бориб адаштириб келгин, деган эди.**

**— Хўш, адаштириб келдингми?**

**— Қаёқда, ўзим мушукнинг орқасидан зўрға уйимизни топиб келдим.**

* * *

Кўчада йўқолиб қолган болакай ўткинчи йўловчидан ёрдам сўрарди.

— Амаки, уйимизни топишга ёрдам беринг.

— Хўш, телефонинглар қанақа эди?

— Қоп-қора, рақамлари оппоқ.

* * *

**Математика дарсида зерикиб ўтирган ўқувчи шеригига деди:**

**— Шу тобда сеҳргар бўлиб қолишни жуда-жуда истар эдим.**

**— Хўш, сеҳргар бўлсанг нима қилардинг?**

**— Мана шу ўқитувчимизни чумчуққа айлантириб, деразадан ташқарига учирворардим.**

## Бир кулишайлик



Бир семиз одам озмоқчи бўлиб дўхтирдан маслаҳат сўрабди. Дўхтир уни обдон текширгач, шундай дебди:

— Сиз парҳезга амал қилишингиз керак.

— Хўш, бу нима дегани?

— Ҳозирча сизга бульон, бўтқа, творог кифоя қилади.

— Бу нарсаларни овқатдан олдин еймανми ёки кейинми?

* * *

Профессор талабадан сўрабди:

— Қани айтингчи, имтиҳон дегани нима ўзи?

— Имтиҳон — икки ақлли кишининг ўзаро суҳбати, домла.

— Мабодо улардан бири аҳмоқроқ бўлса-чи?

— Унда иккинчиси стипендиясиз қолади.

* * *

Полициячи изқуварни койиб, деди:

— Ахир, қандай қилиб жосусни қўлдан чиқарвординг? Изма-из орқасидан кетаётган эдинг-ку?!

— Тўғри, аммо у кутилмаганда кинотеатрга кириб кетди-да.

— Хўш, сен-чи?

— Мен кириб ўтирмадим.

— Нега?

— Чунки бу кинони олдин кўрган эдим.

* * *

— Армияда хизмат қилаётганимда бирваракайига уч юзта аскарни сафдан чиқарганман.

— Ў-ҳў, қандай қилиб?

— Мен ошпаз эдим-да.

Кочирим

## Суқрот ва қароқчилар

***Донишманд Суқрот бир бой билан сафарга чиқибди. Йўлда улар қароқчиларга йўлиқишибди. Бой одам қўрқиб-қалтираб шундай дермиш:***

***— Э воҳ, қароқчилар менинг фалончи бой эканимни билиб қолишса аҳволим чатоқ бўлади.***

***Суқрот эса бундай дебди:***

***— Агар қароқчилар менинг Суқротлигимни билишмаса аҳволим чатоқ бўлади.***

**Саҳифани Шодмон ОТАБЕК тайёрлади.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Бахтиёр Тоҳирович Зокировга укаси

**Моҳиржон Тоҳирович ЗОКИРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Физика-Қуёш» ИИЧБсининг Физика-техника институти жамоаси катта илмий ходими

**Ҳабибулла Хўжақулович ДЖУЛИЕВнинг**

вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади ва марҳумнинг яқинлари, оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари Ижтимоий гуманитар фанлари кафедраси доценти Лола Ёдгоровага опаси

**Маҳбуба ЁДГОРОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 42233 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Каримов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 21.25 1 2 3 4 5 6